




Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 174-175 (12.235-12.236)

Баҳоси эркин нарҳда




## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ



### ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Пойтахтнинг ҳар бир гўшасидан Энг улуг, энг азиз байрамимиз шукуҳи таралиб турибди. Истиқлолнинг 21 йиллиги тобора яқинлашаётган бугунги кунда шодоналар нашиндасини дилларига жо айлаган Чилонзор тумани аҳолиси ҳам байрамни муносиб кутиб олиш тараддуиди.

Туманда истиқомат қилаётган кексаю ёшнинг қалбиди бир эзгу ният мужассам бўлиб, у ҳам бўлса ўзлари ишаётган маҳаллаларини обод этиш, гулзорлар яратишди. 1963 йилда ташкил топган туман ҳозирда 30,4 гектар майдонни эгаллаган, 224,9 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Авалло, яқна тартибдаги, кўп қаватли уй-жойлар, шоҳкўча ва кўчалар, қорхона, ташкилот ҳамда муассасалар бинолари ҳовлилари кўрк очини учун режадаги ишлар бажарилишига асосий эътибор қаратилган. Бугунги кунга келиб режадаги 60 та кўп қаватли уйдан 40 тадан ор-

тигининг фасадлари таъмирланиб, ўзгача чирой очди. Айни кунгача мўлжалдагидан анча ортиқ уйлارнинг йўлакларни ёриткичлари тикланган ҳолда таъмирланди.

(Чилонзор туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

«Жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистон бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутаяди, деди Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик жамияти раиси Чжан Дэгуан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида. Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон сиёсий модернизация ва жадал иқтисодий тараққиёт йўлини босиб ўтди».

### ЧЖАН ДЭГУАН: «ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАЖМАМИЯТИДА МУНОСИБ ЎРНИНИ ЭГАЛЛАДИ»

Шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашишда давом этар экан, Чжан Дэгуан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар мамлакатимизнинг барқарор тараққиётга ижобий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади. Унинг фикрича, сўнгги бир неча йил мобайнидаги ялли ички маҳсулот ўсишининг суратлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам 8 фоизни ташкил этгани бундан яққол далolat беради.

— Бундай муваффақиятлар Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган чўқур ўйланган сиёсатнинг ҳосилидир, зеро аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ва умуман иқтисодий ривожлантириш мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишлари ҳисобланади, — деди у. — Миллатларо тотувликнинг сақлаб қолиниши, элалараро ва эътиқодлараро бағрикенгликнинг таъминланиши ҳам Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган муҳим ютуқларидан бири саналгани ҳолда, мамлакатнинг келгусидаги муваффақиятли тараққиётга асос сифатида хизмат қилади.

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ташқи сиёсат ҳақида фикр юритар экан, суҳбатдош ўтган 21 йил мобайнида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини эгаллагани ҳамда ҳозирги вақтда дунёнинг турли мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаол ривожлантираётганини эътироф этди.

— Минтақа марказида жойлашган Ўзбекистон терроризм, экстремизм ва сепаратизм сингари замонамиз таҳдидларига қарши курашгани ҳолда, нафақат ўз хавфсизлигини, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлиқни таъминлаш тарафдори эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз деб ўйлайман, дейди Чжан Дэгуан. — Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг таъсисчиларидан бири бўлган Ўзбекистон ШХТ

ишига ҳам салмоқли хиссасини қўшаётгани, бу мазкур ташкилотга аъзо барча давлатлар халқларининг фаровонлигига хизмат қилиши тушунарли ҳолдир.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тараққиётини баҳолаётган экан, Чжан Дэгуан мамлакатларимизро ўзаро манфаатли ҳамкорлик дўстлик ва ишонч руҳида олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йил июнида Хитойга буюрган расмий ташрифини ҳамда Пекинда бўлиб ўтган ШХТ давлат раҳбарлари кенгашидаги иштирокининг тарихий аҳамиятини юқори баҳолади. «Мазкур ташриф икки мамлакат муносабатларини стратегик шериклик даражасига кўтардики, бу муносабатлар янада ривожланиши учун яхши истикбол мавжуддир. Муваффақиятли ўзаро ҳамкорлигимиз савдо-иқтисодий, илмий-технологик, энергетика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларга дахлдордир, деди суҳбатдош.

Шунингдек, Чжан Дэгуан Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Мустақам оила йили» Давлат дастурини ҳамда давлатнинг жамият ёш бўғини — оилани қўллаб-қувватлаш ва унинг шаклланишида тутган ўрнини юқори баҳолади.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Чжан Дэгуан Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик жамияти номида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ва дўстона муносабатларнинг янада муваффақиятли ривожланишидан умидвор эканлигини айтди.

— Ушбу фурсатдан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон халқига мустақам тинч-товушлик ва улкан тараққиёт тилайман», дея ўз фикрини аёнлади у.

«Жаҳон» АА  
Пекин

### Ватан ҳимояси — муқаддас бурч ҲАРБИЙЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Ватанимиз Мустақиллигининг 21 йиллик байрами арафасида пойтахтимизда хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбийларга янги уйлارнинг қалитлари топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник Н.Муллабоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, замонавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган ҳарбий шаҳарчаларда қулай маиший шароит яратилаётганини таъкидлади.

Мустақам оила йилида бу борадаги ишлар янада кенг кўлам касб этаётди. Айни кунларда пойтахтимиш ва вилоятларда хизмат қилаётган ҳарбийлар янги турар жойларга кўчиб ўтмоқда.

Пойтахтимишда фойдаланишга топширилган кўп қаватли турар жой ҳам истиқлол байрами арафасида ҳарбий хизматчиларга чинакам байрам туҳфаси бўлди.

— Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида уч хонали уйга эга бўлганимиздан хурсандимиз, — дейди майор Яхё Ҳамидов. — Янги уйимизда яшаш, ҳордиқ чиқариш ва фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш учун барча шароит яратилган. Президентимиз томонидан биз, ҳарбийларга қаратилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликдан миннатдоримиз.

З.ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА мухбири

### ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий академик драма театрида Ўзбекистон давлат муассасалари ва

жамоат ходимлари касаба уюшмаси шаҳар Кенгаши томонидан «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида касаба уюшма фаолларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Темирийлар тарихи Давлат музейида Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

✓ **КЕЧА** «Ўзбекинвест» экспорт-импорт Миллий сугурта компаниясида «Ватан равнақи оиладан бош-

ланади» деб номланган илмий-амалий семинар ўтказилди.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Яққасарой тумани бўлими томонидан «Ўзпахтасаноат» уюшмасида маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.



### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Ватанимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган «Энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» республика кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи бўлиб ўтди. «Мустақам оила йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган мазкур танловда унинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан фаол аёллар тегишли шартлар бўйича ўзаро баҳслашди.

● Самарқанд шаҳрида вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофиза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркаси» ўтказилди. Тадбирда вилоятдаги 400 дан ортиқ йирик саноат қорхоналари, кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари, хунармандлар, касаначилик меҳнатини ташкил қилган қорхоналар, тадбиркорлар, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда тижорат банклари 3,8 мингга яқин бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркада қатнашган фуқароларнинг икки минг нафардан ортиғи ўзига муносиб иш топди.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази Тошкент вилояти бўлимлари ташаббуси билан пойтахтимишдаги сафарбарлик чақируви резерви батальонида Энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрамига бағишланган тадбир ўтказилди.

● Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази қошида кунига 150 қатновга мўлжалланган янги поликлиника фойдаланишга топширилди. Ушбу поликлиника фаолиятининг йўлга қўйилиши билан аҳоли, айниқса, оналар ва болаларни кўриқдан ўтказиш, саломатлигини назорат қилиб бориш, уларга юқори савида ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконияти янада кенгайди.

### ЖАҲОНДА

● Нефть компаниялари кунлик нефть қазиб чиқаришни тўртдан бир баравар қисқартирди. Бунга Мексика бўғозида юз берган кучли пўртана сабаб бўлди. Маълумотларга қараганда, табиий офат бурғилоччи қурилма эвакуация қилинди. Бир қатор компаниялар ишини вақтинча тўхтатди.

● Хитойнинг шимолида шаҳарлараро йўловчи автобусининг метанол юкланган цистерна билан тўқнашиб кетиши оқибатида камида 36 киши ҳалок бўлгани маълум қилинди. Тўқнашув натижасида иккала транспорт воситаси ҳам ёниб кетди. Ҳалокат сабаби ҳозирча аниқланмаган.

● Франциянинг «Airbus» авиасозлик компанияси шаффоф қобикли самолёт ишлаб чиқарди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, «Airbus»нинг мазкур ҳаво транспорти ўсимликлардан олинган табиий толалардан тайёрланган. Унинг конструкцияси куш скелети асосида тузилган. Бу лайнер мустақамлигини таъминлаш, ҳаво ҳароратини назорат қилиш имконини беради.

● Канаданинг Фарбий Онтаро университети олимлари олиб борган тадқиқотлар натижасида мандарин таркибидидаги нобилетин моддаси инсон қонидаги холестеринни сезиларли даражада камайтириши маълум бўлди. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу мевани мунтазам истеъмол қилиш юрак-қон томир касалликлари ҳамда қандли диабет хасталиғи келиб чиқшининг олдини олади. Бундан ташқари, мандарин танани витаминлар билан озиклантириб, овқат ҳазм қилиш жараёнини ҳам тезлаштиради.



**DAVR-BANK**



## «ДАВР-БАНК» ЖАМОАСИ

*азиз юртдошларимизни*

**яқинлашиб келаётган  
Ватанимиз Мустақиллигининг  
йигирма бир йиллиги  
байрами билан самимий  
қутлайди.**

**Ватанимиз равнақи, эл-юрт манфаати  
йўлидаги эзгу ишларингизда мустаҳкам  
соғлиқ, оилавий бахт, байрамона кайфият  
ҳамиша сизларни тарк этмасин!**



### “18-АВТОБУС САРОЙИ” ЖАМОАСИ

Истиқлолимизнинг 21 йиллиги байрами  
билан шаҳримиз аҳли ва меҳмонларини  
чин кўнгилдан самимий муборакбод этади.

Юртимиз фаровон, дастурхонимиз тўкин,

ёшларимизнинг бахтли ва саодатли

бўлишларини, мусаффо осмонимизда

тинчлик кабутарлари мунтазам учиб

юришини тилаб қоламиз.



### АЗИЗ ҲАМИШАҲАРЛАР!

*Баргангизни Энг улуг ва энг  
азиз айёли — давлатимиз  
Мустақиллигининг 21 йиллиги  
байрами билан чин қалбдан  
самимий муборакбод этамиз.*



**Оилангизга бахту саодат, барча эзгу ишларингизда  
улкан муваффақиятлар тилаймиз.**



**Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!**

**“GIDROTEXNIK INSHOOTLAR QURILISH DIREKSIYASI”**



Бонн шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги дипломатия ваколатхоналари кўмағида ташкил этилган «Ёз байрами» тадбири бўлиб ўтди.

### БОННДА «ЁЗ БАЙРАМИ»

Унда Германия – Ўзбекистон дўстлик жамияти, шаҳар маъмурияти вакиллари ҳамда Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ерининг олий ўқув юрталарида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Франкфурт-на-Майн шаҳридаги Бош консуллиги раҳбари тадбир қатнашчиларини қутлар экан, мамлакатимизда мустақил тараққиёт йиллари давомида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ислохотлар ва қўлга киритилган муваффақиятларга атрофлича тўхтади. Икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантириш борасида Германия – Ўзбекистон дўстлик жамияти муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, мамлакатларимизаро ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳамкорлик муносабатлари янада кенгайиб боришига ишонч билдирилди.

Германия – Ўзбекистон дўстлик жамиятининг ихроци директори Оксана Тен ўз фаолияти давомида ушбу жамият Ўзбекистон билан маданий ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари кўламли ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини қайд этди. «Ушбу соҳадаги ҳамкорлик доирасида яқинда қатор маданий тадбирлар ўтказишни режалаштирмақдамиз», деди у.

Бўлиб ўтган «Ёз байрами» тадбири чоғида Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий мероси, тарихий шаҳарлари ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган ҳужжатли фильм намоиши этилди. Шунингдек, мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти, иқтисодий ва сарможий салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи ахборот материаллари ҳам тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди.

«Жаҳон» АА Бонн

### Кўргазмалар

## ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР

Ушбу кўргазмани ташкил этишдан мақсад томошабинга мустақиллик йилларида ижод қилиб келаётган ёш усталар санъат асарларини намоиш этиш ҳамда кўргазма орқали айниқса ёш авлодда миллий ва умуминсоний қадриятлар, бебаҳо тарихий ва маданий меросга ҳурмат, ғурур ва ифтихор, Ватанга садоқат туйғуларини кучайтиришдир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барча соҳалар қатори миллий ҳунармандчиликнинг унутила бошланган қадимий анъаналари ва мактаблари қайта тикланиб, ривожланиб ҳамда бойиб бормоқда. Президентимиз раҳнамолигида уста-ҳунармандларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати анъаналарининг бардавомлигига хизмат қилади.

Кўргазма экспозициясидан айнан мустақиллик йилларида турли вилоят ҳунармандчилик мактаблари томонидан яратилган каштачилик намуналари ўрин олган. Уларда қадимги анъаналар сақланган бўлиб, шу билан бирга янги мустақил дийёр нақшларини кўриш мумкин.

Ўзбек миллий каштачилиги амалий санъатнинг энг қадимий турларидан бўлиб, у халқнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижа-сида юзага келган.

Ўтмишда ҳар бир оила ўзи учун сўзана, чойшаб, кирпеч, дорпеч, ойнахалта, чойхалта, зардевор, палак, гулқўрпа, бугжом, парда, белбоғ, такяпўш, дўппи ва бошқаларни ўзи тайёрлаган. Ҳар бир ҳудуд асрлар

Ўзбекистон амалий санъат музейида Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан» шиори остида «Истиқлол тиклаган ҳунарлар» номли кўргазма ташкил этилди.

давомида мактаб бўлиб шаклланган ўз каштачилик услубига эга. Ушбу мактаб давомчилари ўз анъаналарини авлоддан авлодга қайта

нингдек, ипак иглардан фойдаланилган. Бу технологиялар устида ҳунарманд усталарнинг изланишлари ўз натижасини бермоқда. Улар Ўзбекистон миллий кашталарининг йўқолиб кетишига йўл қўймадилар, қайта ишлайдилар ва бойитадилар, замонавий сўзана ва кийимларга мослаштирадилар.

Улар ўзбек халқи моддий ва маънавий меросида алоҳида ўрин тутди ва ноёб санъат асари бўлиб қолади. Анъаналар иқтисодий, маънавий, урф-одатлар ва бошқа соҳаларда бўлиши мумкин. Лекин амалий безак санъати ва халқ ҳунармандчилигидаги анъаналар ҳозирги кунгача асосан ҳунарманд усталар томонидан эъзозланиб, авлоддан авлодга ўтиб давом этмоқда.

Ўзбекистон амалий санъат музейида ташкил этилган «Истиқлол тиклаган ҳунарлар» кўргазмаси ўсиб келаётган ёш авлодга миллий ўзлигини англаштириш, унинг қадимдан то ҳозирги давргача бўлган анъанавий каштачиликнинг тақдорланмас дурдоналари билан яқиндан таништириши ва сақлаб келаётган анъаналарни акс эттириш ва уларнинг давомийлигини англаштиришдан иборатдир.

Дилмурод ИСМОИЛОВ  
Козим УЛМАСОВ  
олган сурат



бизнинг кунгача сақлаб келмоқдалар. Шаклланган 11 та каштачилик мактабининг ҳар бирининг ўз характери, чок услуби, ранги ва бадиий ечимлари бор.

Халқ беазаги анъаналари каштачилик учун асос бўлади. Натижада, ҳақиқий безак композициялари шакллари ўзида мужассамлаштирилган тасвирлар пайдо бўлган ва бу услубни асраб қолиш ҳунарманд усталарнинг мақсади бўлиб қолган.

Кашталар тайёрлаш учун қўлда тўқилган пахта ёки шойи мато, шу-

Инсон кимёвий ва бошқа сабаблар билан куйганда биринчи ёрдам, кимёвий моддани кучли сув оқими билан тез ювиб ташлашдан бошланади.

### Мутахассис маслаҳати

## КУЙГАНДА БИРИНЧИ ЁРДАМ

Модда қолдиқларини эса нейтраллаш керак. Кислоталарни нейтраллаш учун 2 фоизли ичимлик сода эритмаси қўлланилади. Қаттиқ куйишда бўр кукуни сепилади. Ишқорлар 2 фоизли сирка кислота ёки лимон кислота эритмаси билан нейтралланади. Терига ёниб турган фосфор бўлақчалари тушганда гавданнинг бу қисмини сувга ботириб туриш ва фосфор қолдиғини пинцет билан олиб ташлаш керак. Шикастланган жойга 5 фоизли мис купороси қўшилган боғлам қўйилади ёки талк кукуни сепилади. Фосфорга қарши турли хил пасталар яхши наф беради.

Термик куйиш — тўқималарга юқори ҳарорат, иссиқ, буғ, сув ва бошқалар таъсир этганда рўй бе-

ради. Куйишнинг биринчи даражаси унчалик юқори бўлмаган термик омилнинг қисқа муддатли таъсирида кузатилиб, терининг қизариши ва озгина шишиши билан характерланади. Куйишнинг бу даражасида тери кенгайди ва қоннинг суюқ қисми (плазмаси) атрофдаги тўқималарга чиқади. Ўтиш муддати 2-3 кун бўлиши мумкин. Куйган жойда тери пигментацияси ва кейинроқ эпидермиснинг кўчиб тушиши кузатилади. Куйишнинг 2-даражаси пуфаклар пайдо бўлиши билан характерланади. Куйишнинг бу даражасида яллиғланиш бир мунча рўйирост юзага чиқади.

Х. ҲОШИМОВ,  
3-а/п кичик инспектори, сафдор

### Спорт янгилıkları

## ПЕШҚАДАМЛАР ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Мамлакат XXI миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 17-тур баҳсларидан сўнг совринли ўринларга даъвогарлик қилаётган пешқадам жамоалар муҳим очколардан маҳрум бўлишди.

Қайд этиш жоизки, ушбу турда бир нечта қизиқарли беллашувлар бўлиб ўтди. Чунончи, турнинг марказий баҳси Қаршида уюштирилди. Унда мамлакатимизнинг етакчи жамоалари «Насаф» ва «Бунёдкор» ўзаро беллашди.

Биринчи даврада Тошкентда ўтказилган баҳсда «Бунёдкор» ва «Насаф» жамоалари муроса йўлини танлашган, учрашувда дарвозалар дахлсиз

қолган эди. Бу сафар ҳам гарчи баҳс муросасиз ва шиддатли курашлар остида ўтган бўлса-да 0:0 ҳисоби қайд этилди.

Шунингдек, «Пахтакор» марказий стадионида «Пахтакор» ҳамда «Шўртан» жамоалари ўртасида ўтказилган баҳс ҳам 0:0 ҳисобида туғди. Энг қизиғи, агар ушбу ўйинда тошкентлик футболчилар зафар кучанларидан иккинчи ўринга

кўтарилиб олган бўлар эдилар.

Фарғонада уюштирилган «Нефтчи» ва «Навбахор» жамоалари баҳсини ҳам турнинг қизиқарли учрашувлари сирасига киритиш мумкин. Чунки «Водий дербиси» номини олган ушбу баҳсда томонлар мухлисларга ҳужумкор, қизиқарли ўйин намоиш этишди. Меҳмонларга қараганда сермазмун ўйин намоиш этган майдон эгалари 3:0 ҳисобидан зафар кучиб муҳим очколарга эга бўлишди.

Турнинг қолган баҳслари куйидагича якунланди: «Машъал» — «Локомотив» — 1:2; «Андижон» — «Қизилқум» — 5:1; «Олмалик» — «Бухоро» — 1:3; «Динамо» — «Металлург» — 3:2.

Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида XIV Паралимпия ўйинлари 29 август — 9 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

### МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАЙМИЗ

Курраи заминнинг 160 дан ортиқ мамлакатидан ташриф буюрадиган спортчилар ўртасида уюштирилаётган ушбу нуфузли турнирда 10 нафар мамлакатимиз спортчилари ҳам голиблик учун кураш олиб боришади. Спортнинг бир нечта турлари бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчиларимиз

Лондон шаҳрида сўнги тайёргарлик ишларини якунлашди. Улар шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз ҳилпиради.

Биз кўп минг сонли мухлислар номидан паралимпиячиларимизга муваффақият ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълолар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишигиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табқ, офсет усулида босилади. 4970 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ